Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 84 (5675).
10 АПРЕЛЬ 1985 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ХАЛҚНИНГ СЎНМАС ЖАСОРАТИ

Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният тарихининг буюк снёсий воқеаси тариқасида нишонламоқда. Советлар мамлакатининг асрлар бўйи сўнмайдиган бу жасорати ҳозир алоҳида куч касб этмоқда: ер юзидаги барча халқлар учун Совет Иттифоқи тинчлик ва хавфсизликнинг энг асосий гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб турибди.

9 апрель куни Москвада Совет Армиясининг Марказий уйида 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган илмий конференция очилди. Конференцияда таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ва тарихчилари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг олимлари, халқаро илмий бирлашмаларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар. Уни СССР Фанлар академияси, СССР Мудофаа министрлиги, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош снёсий бошқармаси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ва Ижтимоий фанлар академияси уюштирган.

Конференцияни СССР Фанлар академиясининг президенти академик А. П. Александров очди. Иккинчи жаҳон уруши Европа, Осиё, Африка бўйлаб қора вабодек ўтди,—деди у.—У одамларга мислсиз азоб-уқубат ва мусибат келтирди. 50 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди, беҳисоб моддий ва маданий бойликлар йўқ қилинди.

Олимнинг таклифига биноан, конференция қатнашчилари фашист босқинчиларга қарши курашда ҳалок бўлганлар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Гитлерчилар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги,—деди сўзини давом эттириб СССР Фанлар академиясининг президенти, интернационал, жаҳаро байрамдир, чунки бу Ғалабага эришишга гитлеризмга қарши коалициядаги давлатларнинг халқлари катта ҳисса қўшдилар. Кўп мамлакатлар ҳарбий қўшилмаларининг, партизанлар армиялари ва отрядларининг жангчилари, Қаршилик ҳаракати ва фашизмга қарши яширин шароитда иш олиб борган ташкилотларнинг қатнашчилари фашист босқинчилар билан мардона жанг қилдилар. Биз конференцияга келган БХР, ВХР, ГДР, Куба, МХР, ПХР, РСР, ЧССР, ЮСФСР, ВСР, КХДР, Лаос делегацияларини самимий табриклаймиз. Биз Буюк Британия, Франция, АҚШ, Финляндия, Австрия, Ҳиндистон, Греция, ГФРдан келган олимлар ва жамоат арбоблари билан ҳам учрашишдан хурсандмиз.

КПСС Марказий Комитетининг илмий конференция қатнашчиларига йўллаган табрикномасини йиғилиш аҳли қарсаклар билан кутиб олди. Табрикномани КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин ўқиб эшиттирди.

«Правда» газетасининг бош редактори академик В. Г. Афанасьев Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти ҳақида ҳам халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини сақлаб қолиш йўлидаги кураш тўғрисида доклад қилди. Улуғ Ватан уруши, деди у, Ватанимиз бошига тушган урушлар орасида энг кўп қон тўкилган, энг кўп вайронгарчилик келтирган ва айни вақтда энг одилона уруш бўлди,— деди у. Бу урушда ишчилар синфининг дунёда биринчи давлати яшаб қоладими ёки йўқми, — деган савол бениҳоя ўткирлик билан ўртага қўйилди. Бу урушнинг олижаноб мақсадлари бутун совет халқини Ватанни ҳимоя қилишга отлантирди. Докладчи коммунистлар партиясининг етакчилик ролига батафсил тўхталиб ўтди. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлилари иттифоқининг, СССР халқлари дўстлиги ва қардошлигининг ҳаётбахш кучини кўрсатиб берди. Докладда Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучларининг фашистлар Германияси устидан қозонган Ғалабаси зўр жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга эканлиги очиб берилди.

СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали В. И. Петров фашистлар Германиясини тор-мор этишда Совет Армиясининг ҳал қилувчи роли ҳақида доклад қилди. У 1941 йил ёзида Европадаги ҳарбий-снёсий вазиятни, гитлерчилар қўмондонлигининг стратегик режаларини муфассал таърифлади. Фашистлар блокининг асосий зарбдор кучлари Совет—Германия фронтига жамланган эди. Халқларнинг тақдири, уруш ва тинчлик тақдири шу ерда ҳал қилинаётган эди. Улуғ Ватан уруши совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари учун қаттиқ синов бўлди, улар шу имтиҳондан шараф билан ўтдилар,— таъкидлади докладчи. Ватанимизнинг ҳозирги ҳимоячилари ўз Ватанининг шон-шарафи ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб қолган жангчилар қаҳрамон авлоди жанговар анъаналарининг муносиб ворислари ва давомчилари эканликларига совет кишиларининг ишончи комил бўлаверсин, деди нотиқ.

Ўтган урушнинг даҳшатли сабоқлари ғоят зўр даражада ҳушёр бўлиш, тинчлик душманларининг кирдикорларини сергаклик билан кузатиб туриш зарурлигини бизга эслатади.

СССР Марказий статистика бошқармасининг бошлиғи, иқтисод фанлари доктори Л. М. Володарский «Улуғ Ватан уруши йилларида совет мамлакатининг ичкарисидаги ишлар» мавзуида доклад қилди. Ватанимизнинг улуғ жасоратини ҳозир баҳолаганда, совет халқи Ғалабасининг тарихий моҳиятига чуқурроқ кириб борганда биз, аввало, партиянинг доно снёсий, иқтисодий ва ҳарбий стратегиясига — империалист агрессорларнинг тарихдаги энг катта гуруҳини қонуний равишда мағлубиятга олиб келган стратегияга офарин айтамиз, деди у. Фашистлар Германиясининг хиёнаткорона ҳужуми совет экономикаси олдида турган вазифаларни мутлақо ўзгартириб юборди. Шу пайтдан бошлабоқ бутун мамлакатимиз ягона ҳарбий лагерга айланди. Советлар мамлакатининг ичкарисидаги миллион-миллион меҳнатчилар бутун кучларини Ғалабага бағишлаб, Ленининг: «Урушда кимнинг резерви кўп бўлса, кимнинг куч-қувват манбалари кўп бўлса, халқ орасидаги сабр-матонат кўпроқ бўлса, ўша томон ғалаба қозонади» деган сўзлари ҳақлигини бутун дунёга кўрсатдилар.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг директори академик А. Г. Егоров ўз докладида Улуғ Ватан урушида Коммунистик партиянинг совет халқи ғалабаси илҳомчиси ва ташкилотчиси сифатидаги ролини очиб берди. Ғалабага КПСС раҳбарлигида тинч даврдаёқ замин яратилган эди.

Докладчи КПССнинг уруш йилларидаги раҳбарлик фаолияти турли жиҳатларига батафсил тўхталиб, бу фаолият аввало снёсий вазифаларни ишлаб чиқишдан ва ўз вақтида ўртага қўйишдан ҳамда уларнинг снёсий воситалар билан бажарилишини ташкил этишдан, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратини, халқнинг бутун куч-ғайратини душманни тормор қилишга бирлаштиришдан иборат бўлганлигини уқтирди. КПСС фронт билан мамлакат ичкарисини, қуролли кураш билан экономикани, снёсат билан идеологияни бир бутун қилиб узвий боғлаб, мамлакатни жанговар лагерга айлантириш учун ҳамма ишни қилди.

Сўнгра конференцияда тематик секциялар ишлай бошлади. Совет ва чет эл олимларининг докладларида совет халқи тарихий Ғалабасининг турли жиҳатлари, унинг халқаро аҳамияти тасвирлаб берилмоқда.

Илмий конференция ишида КПСС Марказий Комитети Маъмурий органлар бўлимининг мудири Н. И. Савинкин ва КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. Г. Захаров қатнашмоқдалар.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1985 йил 8 апрель куни КПСС Марказий Комитетида М. С. Горбачев, Г. В. Романов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков ўртоқлар саноат бирлашмалари ва корхоналарининг, колхоз ва совхозларнинг, ишлаб чиқариш бригадаларининг раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар билан учрашдилар. Учрашувда шу йилги ва бутун беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган масалалар, шунингдек КПСС XXVII съезди арафасида жамиятимиз олдида турган энг муҳим иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш йўллари ҳамда методлари муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев учрашувни оча туриб, мамлакат масъулиятли даврни бошдан кечираётганлигини қайд этиб ўтди. Бу — улкан ишлар ва муҳим қарорлар, эришилган ютуқларни чуқур анализ қилиш ва унга реалистик баҳо бериш, олға томон ҳаракатга халақит қилаётган проблемалар ва ғовларни аниқлаш давридир. Бу давр қизғин меҳнат ва дадил ғаффакур билан тўлдирилиши, янада юксакроқ халқ ҳўжалик натижаларига эришиш учун одамларнинг ташаббуси ва ижодкорлигига кенг имконият очиши керак

Партия XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда ишда уюшқоқликни ошириш, иқтисодий ривожланиш суръатларини юксалтиришга барча ижодий кучлар ва резервларни сафарбар этиш талаб қилинади. Нил бу гал кўпгина регионларда одатдагидек бошланмади: ҳам объектив, ҳам субъектив ҳар хил сабаблар таъсир қилди. Қаҳратон қишни ҳам ҳисобга олиш керак, албатта, аммо уюшқоқсизлик, баъзида хотиржамлик, айрим жойларда эса масъулиятсизлик ҳам биринчи квартал якунларига талай даражада таъсир ўтказди. Ҳозир қолоқликка барҳам бериш, планда белгиланган ҳамма режаларни бажариш бош вазифадир. Бунинг учун кадрларнинг иш учун масъулиятини, уюшқоқликни қатъиян ошириш, интизомни кучайтириш керак. Юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш соҳасида илғор саноат корхоналари, колхозлар, совхозлар, бригадалар тўплаган тажрибадан фойдаланиш муҳимдир.

Учрашувда кўпгина актуал масалалар юзасидан ошкора гаплашиб олинди. Ўн иккинчи беш йиллик иқтисодий ривожланишнинг кўпгина йўналишлари бўйича бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши лозимлиги қайд этиб ўтилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳар ва қишлоқдаги ҳар бир меҳнат коллективи ўзининг беш йиллик планларини ишлаб чиқа туриб, унга мавжуд резервларни киритиши, белгиланган планни рўёбга чиқариш учун барча зарур нарсаларни кўзда тутиши керак.

Учрашув қатнашчилари маҳсулот сифатини ошириш масаласига катта эътибор бердилар. Кўпгина корхоналар маънавий эскирган машина ва ускуналарни, харидоргир бўлмаган халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқармоқдалар. Аммо бу ҳол эскичасига ишлаётганларнинг мавқеига таъсир қилмаяпти. Саноатимиз ва қишлоқ ҳўжалигимизнинг барча маҳсулоти сифатини қатъиян оширишга қаратилган самарали чоралар кўриш зарурлиги, бу эса ғоят катта халқ ҳўжалик аҳамиятига эга снёсий аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳўжалик механизми ва бошқаришни такомиллаштириш борасидаги тадбирларни меҳнат коллективларининг активлиги ҳамда ташаббускорлигини бутун чоралар билан ривожлантиришга қаратиш муҳимдир, дейишди учрашув қатнашчилари. Бош йўналишларда марказлаштирилган планлаштиришни мустаҳкамлай бориб, бундан бўён ҳам чинакам ҳўжалик ҳисобини изчиллик билан жорий этиш, корхоналар, колхозлар ва совхозларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг масъулиятини, иқтисодий мустақиллигини, шунингдек юксак пировард натижаларга эришишдан умуман коллективнинг ҳам, ҳар бир ходимнинг ҳам манфаатдорлигини ошириш керак.

Қишлоқ ҳўжалигининг ва у билан боғлиқ тармоқларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга, агросаноат комплекси барча бўғинларининг самарадорлиги ва ўзаро масъулиятини оширишга жиддий эътибор берилиши лозим.

Ҳозирги шароитда меҳнат коллективларининг бошланғич ячейкалари — ишлаб чиқариш бригадаларининг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Бригадалар қуч тўплаши, уларнинг ҳар бирида ҳўжалик ҳисоби тўла даражада қўлланилиши, меҳнат унумдорлиги муттасил ўсиб бориши учун ҳамма жойда шарт-шароитлар яратилиши керак.

Учрашувда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интенсивлаш йўлига тезроқ ўтиш тўғрисида жиддий гап борди. Бунинг учун, деб таъкидлашди сўзга чиққан кишилар, янги заводлар қуриш учун камроқ маблағ сарфлаш, капитал маблағнинг асосий қисмини эса ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга сарфлаш, замонавий юксак унумли машина-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарур. Станокозликни, электроника, электротехника ва приборозликни илдам суръатлар билан ривожлантириш керак.

Ҳозирги шароитда ҳўжалик юритиш системаси шундай қурилиши керакки, ҳар бир коллектив, барча меҳнаткашлар ижтимоий ишлаб чиқаришда, унинг самарадорлигини оширишда ўз қобилиятлари ва имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланишга интиладиган бўлсинлар. Партия ташкилотлари омма ўртасида ташкилотчилик ва снёсий ишларни қанчалик активроқ олиб борсалар, социалистик мусобақани ривожлантирсалар, ишлаб чиқариш масалалари ва социал масалалар, давлат манфаатлари, коллектив ва шахс манфаатлари бир-бири билан қанчалик чамбарчас боғланса, бу вазифалар шунчалик муваффақиятли ҳал этилади.

Учрашувда: В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг директори Л. В. Радюкевич; Иваново станоксозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. П. Кабаидзе; «Харьков трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. В. Библик; Норильск кон -металлургия комбинатининг директори Б. И. Колесников; «Днепропетровск комбайн заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. А. Покуса; Москвадаги «Космос» тикувчилик фабрикасининг директори М. П. Будаева; Ставрополь ўлкасидаги «Казьминский» колхозининг раиси А. А. Шумский; Гродно областидаги «Прогресс» колхозининг раиси А. И. Дубко; «Ленинград металл заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғувчи слесарларининг бригадири В. С. Чичеров ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

ПАРТИЯ ИШИ САВИЯСИНИ ОШИРАЙЛИК

9 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси район ва шаҳар комитетлари секретарларининг семинар-кенгаши ўз ишини бошлади.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари асосида республикада иқтисодий ва маданий қурилишга партия раҳбарлигини янада кучайтириш соҳасидаги вазифалар тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев семинар-кенгаш қатнашчилари ҳузурида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров республика халқ ҳўжалигининг аҳволи ва уни интенсивлаш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш асосида янада ривожлантириш йўллари ҳақида доклад қилди.

КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари ва Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясининг тавсиялари асосида республика партия ташкилотининг идеологик, снёсий-тарбиявий ишини янада такомиллаштириш — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева қилган доклад мавзуи бўлди.

Семинар-кенгашда раҳбар кадрларнинг партиявий ўқишини, ғоявий-назарий чиниқишини такомиллаштириш, ягона снёсий кунларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида раҳбарларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, партия комитетларининг ташқи снёсат пропагандаси ва контрпропаганда фаолиятини кучайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Семинар программасида иш тажрибасини кенг кўламда ўртоқлашиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).



Слесарь-йиғувчи Ф. Одиловга ёшлигига қарамасдан, унга масъулиятли вазифаларни — компрессорларни синаш-созлаш ишларини ишониб топширишади. «Компрессор» заводининг бу азамат пешқадами смена топшириқларини 20—30 процент ортиғи билан адо этиб, ҳамкасбларини олқишига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: слесарь-йиғувчи Ф. Одилов. В. Сироткин фотоси.

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллиги ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бошланган соцмусобақада 1-трамвай депосининг коллективи ҳам қизғин қатнашяпти. Трамвайчилар юбилей шарафига пландан ташқари 220 минг йўловчига юксак маданий хизмат кўрсатишга, ремонт сифати ва самарадорлигини оширишга аҳд қилишган.

Аҳолининг 1, 2, 4, 5, 24, 25-трамвай маршрутига бўлган талабини қондиришда авариясиз юрувчилар устаплари А. Федорец, М. Раҳмова, М. Суворова, И. Шнаев, В. Земеллар, ҳамкасбларни оқсиздаги меҳнат беллашувида эса С. Нуъмонов, Н. Тараненко, Д. Никитин, Ш. Раҳмовлар ташаббусни қўлдан бермай келишяпти.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

«Главташкентстрой»нинг «Ташинжстрой» трести коллективи 20 апрель—ленинча коммунистик шанбалик куни бажарилиши лозим бўлган барча ишларнинг умумий режаси ва техника воситаларини шайлаб қўйди. Трестнинг 1 мингдан зиёд қурувчиси шанбаликда қатнашади. Шундан 840 киши ўзининг иш жойида хизмат қилади. Бунёдкорлар 59 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарадилар. 3,6 миг сўм пул беш йиллик фондига, яна шунча пул тинчлик фондига ўтказилади. Коллектив Шота Руставели кўчаси, Оҳангарон шоссеси, Олимпия массиви, Киров районида бунёд этилаётган янги микрорайон қурилишида инженерлик коммуникация тармоқларини ўтказишда катта ишларни бажаради.

●

Тошкент шаҳар дон қабул қилиш корхонаси коллективи 1984 йил якунларига кўра Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юқори кўрсаткичлари учун СССР тайёрлов министрлиги ва қишлоқ хўжалик ходимлари ва касаба союзлари ходимлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Корхона коллективи ўтган йилнинг топшириғини 110 процент қилиб бажарди. Пландаги 527 минг сўмлик даромад ўрнига 717 минг сўмлик фойда олинди. Корхона адресига келаётган юклар ўз вақтида тушириб олинмоқда ва ортилмоқда.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 15 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 10—12, эртага кундузи 24—26 даража иссиқ бўлади.

ЮКСАК МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА ЭРИШИЛАДИ

9 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анишчев раислигида Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик ўтказувчи республика штабининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда Тошкент шаҳар партия комитети, Ўзбекистон ССР Енгил саноат ва Автомобиль транспорти министрликлари, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси меҳнат байрамига қандай тайёргарлик кўраётганликлари тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Тошкент шаҳридаги заводларда, фабрикаларда, қурилишларда шанбаликка тайёргарлик асосан тугалланди. Конкрет иш ҳажмлари белгиланди, кўплаб хом ашё ва материаллар, энергия ресурслари тежаб қолинди. 20 апрель куни шу ресурслар ҳисобига анча маҳсулот ишлаб чиқарилади. Асосий ишчилар билан бир қаторда меҳнат ветеранлари, студентлар, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари станокларда ишлайдилар. Минглаб студентлар, техникумларнинг, юқори синфларнинг ўқувчилари шаҳар майдонча ва кўчаларини ободонлаштириш билан шуғулланадилар, қурилишларда меҳнат қиладилар. Республика енгил саноатининг корхоналари шанбалик кунида бир неча миллион сўмлик газлама, кийим-кечак ва пойабзал ишлаб чиқарадилар.

Республика автомобилчилари ва темирйўлчилари «Қизил шанбалик»да ўртача юк ташиш ҳажмини анча ошириб адо этадилар, завод ва фабрикаларга хом ашё ва материалларни узлуксиз етказиб беришни таъминлайдилар, тайёр маҳсулотни ташийдилар.

Республика штабининг мажлисида корхоналар, қурилишлар ва транспорт ташкилотларининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари коммунистик шанбалик барча қатнашчиларининг энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишлари учун шарт-шароитларни таъминлашлари лозимлиги уқтириб ўтилди. Социалистик мусобақани, унинг ошкоралигини кенг ривожлантириш, якунларни оператив чиқариш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Студентлар ва ўқувчиларни жалб этиш учун иш қўламини олдиндан белгилаш, уларга асбоб-ускуналар ва зарур инвентарни тайёрлаш лозим.

(ЎзТАГ).

Тинчлик фонди кўпаймоқда

9 апрель куни Тошкентда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Совет тинчлик фонди активининг зона семинари очилди. Семинарда қилинган ишлар якунланди ҳамда меҳнаткашларни тинчлик учун, ядро уруши хавфини тугатиш учун курашга сафарбар этиш вазифалари муҳокама қилинди. Совет тинчлик фонди президиумининг раиси, шахмат бўйича жаҳон чемпиони А. Е. Карпов семинарни кириш нутқи сўзлаб очди.

Семинар қатнашчилари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари асосида фаолият якунларини таҳлил этиб, Совет тинчлик фонди совет кишиларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, империалистик агрессия ва геноцитдан, табиий офатлардан азият чекканларга ёрдам бераётганлигини, ялпи ва батамом қуролсизланишга эришишга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашаётганлигини таъкидладилар. Бу олижаноб ишга Ўзбекистон меҳнатчилари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Республикада Совет тинчлик фондининг республика фонди, 13 та область, 250 та шаҳар ва район бўлими, саноат корхоналарида, ўқув юртларида, колхоз ва совхозларда олти мингтадан кўпроқ кўмаклашувчи комиссиялар ишлаб турибди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида Ўзбекистон ва бошқа қардош республикаларнинг меҳнат коллективларида тинчлик вахтаси, хотира вахтаси ўтказиш ва ишлаб топилган маблағни тинчлик фондига ўтказиш яхши анъана бўлиб қолганлиги уқтириб ўтилди.

Семинар қатнашчилари «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» ишлаб чиқариш тикув бирлашмасининг ишчилари билан учрашдилар. Бу ерда улар Совет тинчлик фондига кўмаклашувчи комиссиянинг иши билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

20 апрель—ленинча коммунистик шанбалик

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

Барча коллективлар қатори 11-«Висотстрой» трестига қарашли темир-бетондан биноларни бунёд этишга ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж бошқармаси аъзолари ҳам москваликларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақидаги ташаббусига биринчилар қатори қўшилдилар. Улар шу кунларда меҳнат байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш учун ўзаро мусобақани қизғин авж олдириб, бу муҳим санага ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Бригада аъзолари шанбаликда Ленин проспектида бунёд этилаётган 16 қаватли ҳиссоблаш маркази биносида фидокорона меҳнат қиладилар. Шу куни электр пайвандчилардан Альбина Олифрук, Аъзам Холматов, Радик Ким, монтажчилардан Муҳаммад Каримов, Асқар Шофайзиев, дурадгор Абдураҳим Холматовлар кунлик нормаларини 1,5 —2 ҳиссадан бажаришга аҳд қилишган.

Коммунистик шанбалик куни бригада аъзоларининг фидокорона меҳнатидан туғилган иш ҳақлари ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Э. ТЎЛАГАНОВ.

ФУТБОЛ

«Пахтакор»—«Ротор» (Волгоград) — 0:0

Кеча «Пахтакор» Марказий стадионида футбол бўйича СССР чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган майдон эгалари Волгоград футболчиларини қабул қилишди.

«Пахтакор» командаси биринчи ўринбосари Куйбишевнинг «Крилья Советов» футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратгандан кейин кўпчилик бу ўйин кўтаринки руҳда ўтади деб ўйлаган эди. Аммо футбол мухлислари ўйлаганча бўлмади. Майдон эгалари учрашувнинг биринчи бўлимини жуда суст ўтказишди.

Иккинчи бўлим тошкентлик футболчиларнинг ҳужуми билан бошланди. Лекин дарвозани аниқ нишонга олишга меҳмонларнинг ҳимоячилари йўл қўймади. Учрашув 0:0 ҳисобида тугади.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 16 апрель куни Москвада «Локомотив», 19 апрелда эса Марказий Армия спорт клуби билан ўтказади.

МУНОСИБ СОВҒА

«Главташкентстройга қарашли 153- қурилиш трестининг коллективи совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларида қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини арзигулик совғалар билан кутиб олмоқда.

Трест қурувчилари бундан ташқари Қатортол кўчасидаги Д—20А кварталида ҳам замонавий бино қурилишини ниҳоясига етказишмоқда. У тўққиз қаватли ётоқхонадир.

Трестнинг Э. Ҳасанов, Г. Зайнутдинов, Ю. Абдусаматов бошлиқ комплекс бригадалари илғорлар сафидан ўрин олишмоқда. Чунки улар бунёдкорлик ишларини пудрат ҳўжалик ҳисобида ташкил этишган. Айниқса, Э. Ҳасанов бошлиқ бригада коллективи йиллик топшириқни 9 Май байрамигача бажаришга бел боғлади. Бундан ташқари Ю. Абдусаматов бошлиқ пардозчилар бригадаси коллективи эса ҳозирда 1988 йилнинг сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари — амалда

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР — ҲАЁТИМИЗ ЗИЙНАТИ

«Ёшларни партия ва халқимизнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбияламоқ лозим».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).



Республикамиз чет элликлар нигоҳида

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК УЧУН

Мексикалик таниқли жамоат арбоби, Мексика ишчилар институтининг директори, жаҳон тинчлиқ Совети президиумининг аъзоси, Мексика тинчлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, Халқлар Дўстлиги орденининг кавалери Адриана Ломбардо Толедано хоним республикамизда меҳмон бўлди.

Адриана Л. Толедано хоним мамлакатимизга қилган сафари ҳақида тўхталиб шундай деди:

— Мен Совет Иттифоқига жаҳон тинчлик Совети президиумининг Москвада ўтказилган сессиясида иштирок этиш учун келдим. Шуни таъкидлаш керакки, бу оддий сессия эмас эди. У Совет халқининг Германия фашизми устидан қозонган Буюк Ғалабасининг 40 йиллиги арафасида ўтди. Бу — анжуманнинг мақсади тинчликни мустаҳкамлашнинг янги йўлларини, Америка империализмининг ай би билан вужудга келган халқаро кескинликни юмшатишнинг йўларини топишдан иборат эди. Шу куннинг энг асосий проблемаларидан бири космик фазони мелитаризациялашнинг олдини олишдир. Ер юзидаги прогрессив инсоният ҳозир Женевадаги музокараларда яхши умид билан натижа кутяпти. Биз Совет Иттифоқининг музокараларда ўртага қўйган тинчликни мустаҳкамлаш, ер юзида мўътадил иқлимни вужудга келтириш тўғрисидаги ташаббусига қўшиламиз. Биз ҳам Америка империализми таҳлика қилаётган Никарагуа халқи сингари барча халқлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Шу нуқтаи назардан қараганда Москвадаги кенгашнинг иши муваффақиятли бўлди, деб ўйлайман.

— **Ҳозир жуда кўп мамлакатларнинг халқлари шонли сана — Совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигини тантанали нишонлашга тайёргарлик кўришмоқда. Бу шонли сана Мексикада ҳам нишонланадими?**

— Бу шонли сана ер юзидаги турли мамлакатларнинг халқлари томонидан нишонланаётганлигини таъкидламоқчиман. Мексика урушда бевосита иштирок этмаган бўлса-да, мамлакатимиз фашистлар Германиясига уруш эълон қилган. Мексикалик ҳарбий учувчилар милитаристик Японияга қарши ўтказилган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишган.

Барча халқлар урушнинг асосий оғирлиги Совет халқининг зиммасига тушганлигини, у фашизмни тор-тор этишда ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини яхши билишади. Шонли сана муносабати билан Мексикада Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаш бўйича миллий комитет ташкил этилди. Унинг составида касаба союз раҳбарлари, ўша йилларда масъулиятли лавозимларни эгаллаган давлат ва жамоат арбоблари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари бор. Мен ҳам унинг составига сайланганман. Миллий комитет катта ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, биз суҳбатлар ўтказяпмиз, информацион бюллетенлар чиқармоқдамиз. Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланиши арафасида кўпминг кишилик митинг ўтказмоқчимиз. Тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад, Мексика халқи кенг оммасига Совет халқи фашизм устидан қўлга киритган Ғалабанинг моҳиятини, тинчлик учун, империализм ва милитаризмга қарши курашиш зарурлигини тушунтиришдир.

— **Анъанага кўра биз меҳмонларимизга Совет Ўзбекистони, унинг пойтахтидан олган таассуротлари ҳақида савол берамиз, Сиз Тошкентнинг тарихий ёдгорликлари билан танишдингиз. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятини бориб кўрдингиз, республика жамоатчилигининг вакиллари билан учрашдингиз. Бу учрашув ва суҳбатлар сизда қандай таассурот қолдирди?**

— Ўзбекистон халқининг тошкентликларнинг самимийлиги, дўстлик билан ҳамкорликка иштиёқ билан интилаётганликлари ана шу алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Дўстлик жамияти активистларида ана шу хислатлар мужассамдир. Ишончим комилки, жамият активистларининг сафи йил сайин кўпайиб боради.

Мексика ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боради, деб ишонч билан айтаман. Ўйлайманки, меҳмондўст республикангизга Мексика халқининг вакиллари бундан буён тез-тез келиб туришади, ўз навбатида биз ҳам ўзбекистонлик дўстларимизни самимий кутиб оламиз. Бу учрашувлар самимий бўлади, мамлакатлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди.

СУРАТДА: Адриана Ломбардо Толедано хоним.

А. Бурлов фотоси.

● Совет турмуш тарзи

БИЗНИНГ УМУМИЙ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

1-комсомол болалар уйининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат Қизил Байроқ орденн кавалери Антонина Павловна Хлебушкинани ўз жойидан топиш жуда мушкул. Аммо, ҳамкасблари унинг қаерда эканлигини дарров айтиб беришади: «Антонина Павловна ҳозир чорбоғда» сиз у хусусий чорбоғга кетибди деган хаёлга борманг. Асло бундай эмас.

— Кўз юмиб очгунча, — дейди Антонина Павловна, — ёз келиб қолади. «Радостьни (Назербекдаги чорбоғ шундай деб номланади) болаларга тайёрлаб қўйиш керак. Пионер лагерида улар дам олишади, боғда меҳнат қилишади. Узумзоримиз, мевали дарахтларимиз бор. Уларни ўзимиз парваришлаймиз. Қишга тайёрлаймиз. Уларнинг ҳаммаси жуда мазали, ўзим тотиб кўрганман. Бу ерда пиширилаётган пирожкиларни еб кўрсангиз, мазаси оғзингизда қолади.

Бу ўқув муассасаси ходимлари амал қиладиган битта шиор бор: «Болалар уйига ҳамма ғамхўрлик кўрсатиши керак». Оталиқ ташкилотлар билан алоқаларни эса мустаҳкам.

— Фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиман. «Стройдеталь» трести ажойиб оталиқ ёрдами кўрсатмоқда: Аммо биз педагоглар комсомол оталиқ ёрдамини кучайтиришни истар эдик. Оталиқ ёрдами инсон учун ҳар дақиқада кераклигини унутмаслик зарур. Бу ғамхўрлик доимий бўлиши керак. Шуни ифтихор билан айтиш керакки, болалар уйимизда тасодифий кишилар йўқ. Педагог, врач, ошпаз келиши билан кўникиб кетади. Улар ҳақиқий педагог ва инсон сифатида болаларга меҳр нурини сочишади. Қалбида меҳр бўлмаган кишилар бу ерда ишлай олмайди.

Партия ташкилотининг секретари Валентина Кузьминична Фёдорова шу ерда вояга етди. Елизавета Николаевна Пигалева, тарбиячилар Ольга Сергеевна Лесина, Нина Ивановна Верешагина ва бошқалар кўп йиллардан буён ишлашмоқда. Улар ўзларининг қалб меҳрини болаларга сарфлашмоқда. Айни пайтда болалар ҳам уларга сидқидилдан меҳр қўйишган. Барча болалар ўзимизники. Яқинда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ота-онасиз қолган болаларни тарбиялаш, ўқитиш ва моддий таъминотини яхшилаш тўғрисидаги қўшимча тадбирларни муҳокама қилди. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарор қабул қилди. Қарорда амалий оталиқ ёрдами ҳақида гапирилади. Ота-она меҳридан жудо бўлган болалар бизнинг қалбимиздан меҳр топишлари, халқ қалб меҳридан баҳраманд бўлиши керак. Ана шунда улардан яхши кишилар етишиб чиқади.

Директор ўзининг унча катта бўлмаган педагогик коллективи билан уч минг ажойиб болани тарбиялаб етиштирди. Бирортаси ҳам судга тушгани йўқ. Улар мамлакатимизнинг турли бурчакларида, кўплари Тошкентда меҳнат қилишмоқда. Болалар уйида вужудга келган анъанага кўра улар бу ерга хатлар, телеграммалар, посилкалар жўнатиб туришади. Ҳозирги тарбияланаётган болалар посилкалар ўзларининг акаларидан, опаларидан келган деб тушунишади. Биз улар билан почтага бирга бориб, посилка ва хатларни бирга очамиз.

Болалар уйининг собиқ тарбияланувчилари қаерда бўлмасинлар яшаган жойларини, болаликларини ҳеч қачон унутишмайди.

Ёдимга ўзимнинг ёшлигим тушди. Ушанда 42-ўрта мактабга ўқишга қатнардим. Болалар уйининг тарбияланувчилари биз билан тенг бўлишларига қарамасдан катта ҳурматга эга эдилар. Уларнинг айтганини айтган, дегани-деган эди. Жуда кўп нарсани улардан ўрганардик. Ўша болаларга ўхшашга ҳаракат қилардик. Бутун синфимиз уларга ҳавас қиларди. Ўшаларга қараб камтарона кийинардик, пойафзалимизни асрардик...

Артистлар, қурувчилар, педагоглар, врачлар, инженерлар, авиаторлар, уларнинг ҳаммаси болалар уйига хат ёзиб туришади. Ҳар бир хатда: «Ҳурматли она! Қадрли ўқитувчиларимиз!» деган гаплар бор. Болалар уйининг адресига, ошпазга ҳам, энагага ҳам миннатдорчилик хатлари келиб туради.

Э. АДАЙКИНА.

● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Коммунистлар етакчилигида

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллиги шарафига ўтказиладиган коммунистик шанбаликка В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коммунистлари, комсомоллари, бутун коллективи қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Масалан, 22-цехда шанбаликка тайёргарлик штаби изчил тадбирлар планн бўйича иш олиб бораяпти. «Чақмоқ» варақалари чиқарилаяпти, бу ерда ҳар бир бригада ўз зиммасига қўшимча социалистик мажбуриятлар қабул қилган. Металл чиқиндиларини аралаштирмасдан, балки уларнинг турларн бўйича топшириш бу қимматли материални тежашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Коммунистлардан В. Довженков, А. Маро, Н. Бегинкулов, В. Тесёлкин ва бошқалар шанбаликка ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришда фаоллик кўрсатмоқдалар.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БЕРЛИН. Арнштадт шаҳридаги (Эрфурт округи) алоқа воситалари заводининг маҳсулоти Совети Иттифоқининг қишлоқ районларида телефон алоқасини такомиллаштиришга кўмаклашади. ГДРнинг шу корхонаси янги электрон автомат телефон станцияларини ишлаб чиқармоқда. Янги буюмлар ишлаб чиқаришга ўтилгандан кейин корхонада бутун-бутун участкалар янгиланди.

Электрон АТСлар Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида СССР, ГДР ва ЧССР мутахассисларининг фан ва техника соҳасидаги самарали ҳамкорлиги натижасидир. ГДРнинг саноат корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари бошқа социалистик мамлакатлардаги шериклари билан 500 та битим тузишган. Ҳозир ГДРдаги ҳар ўнта илмий-тадқиқот ечимнинг саккизтаси совет мутахассислари билан биргаликда амалга оширилмоқда.

* * *

БРЮССЕЛЬ. Лувен шаҳрида ёшларнинг Бельгия территориясида жойлаштирилган Америка қанотли ракеталарига қарши норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш атом қуролига қарши ҳаракат қилувчи Фламанд комитетининг даъватига биноан ўтказилди. Лувен католик университетининг кўпгина факультетларида ҳам қизғин митинглар бўлди. Пентагон билан НАТО Бельгияга тиқиштирган оммавий қирғин қуролига қарши студентларнинг оммавий намойишлари ҳафта охиригача давом этади.

* * *

ЛИССАБОН. Португалия Бош министрининг расмий қароргоҳи биноси олдида намойиш бўлиб ўтди. Намойишни давлатга қарашли икки денгиз транспорти компаниясининг ходимлари ҳукуматнинг иккала корхонани ёпиб қўйиш ҳамда улар ўрнига маҳаллий ва чет эл хусусий капитали асосида фирма ташкил этиш тўғрисидаги қарорига қарши норозилик белгиси сифатида ўтказдилар.

Намойиш қатнашчилари айтишганидек, бундай чора неча минглаб ишчининг ишдан бўшатилишини ва юзлаб пенсионерларнинг кун кечириш учун маблағдан маҳрум бўлишларини билдиради. Улар маъмурларнинг ниятини қоралаб, меҳнат қилиш ҳуқуқи учун курашишга азму қарор берганликларини изҳор этдилар. Республика мажлисида Португалия Компартияси депутатлари демократик ҳаракатидан сайланган депутатлар денгиз транспорти меҳнаткашларининг адолатли курашини қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Оппозициядаги сўл кучларнинг вакиллари бўлган парламент аъзолари конституцион трибуналга йўлланган сўровда ҳукуматнинг бундай тадбири қонуний эканлиги шубҳа остига қўйилди.

* * *

ПАНАМА. Жамиятшунос олимларнинг 6-марказий Америка конгресси Панама пойтахтида ўз ишини бошлади. Конгрессга регионнинг турли мамлакатларидан юзлаб мутахассислар— социологлар, тарихчилар, философлар йиғилдилар. Марказий Америка мамлакатларида социал ўзгартишларни амалга оширишда жамиятшунослик фанининг роли тўғрисидаги масала конгресс қатнашчиларининг диққат-марказида туради.

Марказий Америка социологлар уюшмасининг президенти Габриэль Агилера конгрессни очилишида сўзга чиқиб, Америка қўшинларининг шу регионга бевосита бостириб кириш хавфи борлигини уқтириб ўтди.

* * *

БРАЗЗАВИЛЬ. Конго пойтахтида ўтаётган халқаро семинар Намибияга дарҳол мустақиллик берилиши мақсадида жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайратини активлаштириш масалаларига бағишланган. Конго халқ республикаси ташқи ишлар ва ҳамкорлик министри Антуан Ндинга —Оба учрашув очилишида нутқ сўзлаб, Намибия халқининг озодлик ва мустақиллик учун, шафқатсиз ирқий камситиш системасига қарши олиб бораётган адолатли курашини батамом қўллаб-қувватлашини билдирди. У Жанубий Африка босқинчилари Намибияда авж олдириб юборган террор ва зўравонлик кампаниясини қатъиян қоралади.

Халқаро ҳамжамиятнинг фикрини сурбетларча назар-писанд қилмаётган претория ирқчилари ғарб давлатларидан ҳар томонлама ёрдам олиб турибдилар. Ғарбнинг бундай ҳаракатлари, деб уқтирди министр. Намибияда мустамлакачиликни тугатиш жараёнига тўсқинлик қилмоқда. У ирқчи режимни сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва маданий соҳаларда яккалаб қўйишга қаратилган конкрет чоралар ишлаб чиқишга даъват этди. Бу ишда БМТ муҳим роль ўйнаши керак, деб таъкидлади.

МОНГОЛИЯДАН ОЛИНАДИГАН ПАНТА

УЛАН-БАТОР. Улан-Батор яқинидаги «Богдоул» қўриқхонасида жойлашган МХРдаги энг катта буғучилик хўжаликларидан бири ҳар йили СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга минг килограммдан зиёд буғу пантаси (шох модда) юбориб туради. Мутахассислар ҳар битта буғудан фармацевтика саноати учун жуда қимматли бир ярим килограммга яқин хом ашё оладилар. Пантанинг бир қисми пойтахтдаги фармацевтика заводига келтирилади. Бу ерда ундан ғоятда самарали дори-дармон тайёрланади. Яхши маълум стимулятор дори пантокрин шулар жумласидандир. Улан-Батор заводининг маҳсулотига чет эллик буюртмачиларнинг талаблари ҳамиша катта.

СОВЕТ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДЛАРИ УЧУН

ПРАГА. Чехословакиянинг Новй-Йичин шаҳридаги «Автопал» заводи шу йил миллион комплектдан кўп ёритиш ускуналарини юборади. Бу корхона Волга ва Кама бўйидаги улкан автомобиль заводларининг катта-катта буюртмаларини бажариб келмоқда. Такомиллаштирилган галоген фара (чироқ) экспортининг катта қисмини ташкил этади. Бу фаралар одатдаги фараларга нисбатан қарийб бир ярим баравар кучли ва анча пишиқ. Янгилик Чехословакия ва совет мутахассисларининг биргаликдаги изланишлари натижасида вужудга келди.

«Жигули» автомобиллари учун комбинацияланштирилган фара йиғиш конвейерида иш қизғин. Бу маҳсулот жаҳондаги энг яхши намуналар даражасида туради.

Қайта тикланган Кампучия

ДЕҲЛИ. Кампучия халқ республикасига бориб келган Ҳиндистон журналистлари тайёрлаган фотоальбом «Қайта тикланган Кампучия» деб аталган. У Кампучия халқ революцион партияси раҳбарлигида янги ҳаёт барпо этаётган Кампучия халқининг меҳнатдаги муваффақиятларига бағишланган.

Ҳинди-Хитой проблемаларини ўрганувчи Ҳиндистон марказининг раиси, таниқли жамоат арбоби Т. Н. Кауль фотоальбом босилиб чиқишига бағишлаб бу ерда ўтказилган маросимда сўзлаган нутқида Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга КХР қўшган ҳиссани қайд этиб ўтди. Нотиқ империалистик давлатларнинг шу мамлакат ички ишларига қўпол аралашувини, шунингдек Кампучия халқига пул-пўлчиларнинг қирғинбарот келтирган режимини яна тиқиштириш йўлидаги уринишларини қатъиян қоралади. КХР Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўзининг қонуний ўрнини олиши керак, деб уқтирди у.

Хотиралар хиёбони

Ҳозирча Ҳиндистонда ялқ бор ана шундай хиёбон бунёд этилмоқда. Унинг учун Деҳли жанубидаги Жойпур шаҳри яқинидан жой танланди. Маҳаллий ҳокимият вакиллари янги ободончилик массиви учун кўпроқ ер ажратишди. Аммо ҳали бу ерга қанча дарахт ўтқазилиши номаълум. Хиёбоннинг шунисн характерлики, ҳар ким ўз ҳаётидаги тантанали кунда дарахт ўтқазиши мумкин. Бунга ниқоҳ тўйлари, ўғил кўриш ва шунга ўхшаган маросимлар киради. Янги кўчатлар ёнига уни ким, қачон, нима учун ўтқазганнин белгиловчи лавҳа ҳам ёзиб қўйилади.



Тараққиёт йўлидан бораётган Непал халқи бугунги кунда катта ижтимоий ютуқларни қўлга киритмоқда. 140 минг квадрат километр территорияда турмуш кечираётган непалликлар ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилишяпти. Ҳозирги кунда Непал Осиё қитъаси мамлакатлари ўртасида тинчликни сақлаш ва яхши қўшничилик ғояларига амал қилмоқда. Мамлакатнинг 16 миллион меҳнаткаш соҳил ижтисодий муаммоларни ҳал этишда фидокорона меҳнат қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: юқорида — мамлакат пойтахти Катманду шаҳри йирик туристик марказлардан бири ҳисобланади; пастда — шакарқамиш хосили йиғилмоқда.



Сув ҳам нафас олсин

Кейинги йилларда Швецияда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда бу ердаги кўл сувларини кислород билан бойитиш борасида янги усул ихтиро этилди. Шу мақсадда кўл тубига сув сўрадиган ва чиқарадиган системада ишлайдиган махсус аппарат ўрнатилади. Аппарат кўл тубидаги кислородсиз сувни юқорига ҳайдайди. Бундай сувни айирбошлаш, унинг кислород билан бойишига имкон беради. Бу эса ўз навбатида кўл тубидаги ҳаётни янада кўпроқ ривожлантиради.

Энг митти орган

Жажжи буюмлар қадимдан яратиб келинган бизга яхши маълум. Бизгача узоқ вақт илгари яратилган кичик буюмларнинг бир қатор турлари етиб келган. Германия Федератив Республикасидаги музейлардан бирида 1595 йилда немис усталари томонидан яратилган жаҳондаги энг кичик ҳисобланган митти орган сақланмоқда. Бу музика асбоби кичик бўлиши билан бирга бўйи ва энг 50 сантиметр ҳажмида таҳланади ҳам. Орган қадимги бўлишига қарамай унда музика чалиш мумкин. Асбобнинг айрим қисмлари суякдан ишланган.

Мураббийлик — ёш авлодга ғамхўрлик

УСТОЗЛАР ВА ШОГИРДЛАР

Ўша даҳшатли кунлар Садди опанинг хотирасидан ҳамон кетмайди. Барча йигитлар фронтга кетган, фронт ортидаги юмушлар эса қиз-жувонлар, қари-қартанглар, ўсмирларга қолган. Шунда у ўн тўрт яшар қизча эди. Кичик жуссали, аммо ғайратли, аҳди қатъий бу қизчани Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга қабул қилишди. У дастлабки пайтларда оёқлари остига курси қўйиб тўқув станокларини бошқарди. Цехдаги катта-кичикдан сўраб-суриштириб, танлаган касби сирларини атрофлича билиб олишга ҳаракат қилди. Одамлар ҳам уни ёқтириб қолишди. Кўп ўтмай Садди Пўлатова 24 станокни бемалол бошқара оладиган бўлди. 36 та дастгоҳни бошқаришга ўтганида эса, комбинатда унинг номини стахановчилар қаторида тилга ола бошлашди.

Донгдор тўқувчи шу ерда КПСС сафига ўтди. 1957 йилда эса меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатганлиги учун юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирланди. Коммунистлар уни партиямизнинг XXI ва XXIII съездларига делегат қилиб сайлашди.

Тажрибали тўқувчи 1967 йилдан буён тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув фабрикаси ишлаб чиқариш инструктори вазифасида ишлаб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида ундан ҳунар ўрганиб, мустақил меҳнатга йўлланма олган ёшлар ўз мураббийларини катта ҳурмат билан эслашади. Ҳа, у қирқ йиллик меҳнат фаолияти мобайнида кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ўзининг бой ишлаб чиқариш тажрибасини, маҳорати ва малакасини ёшларга меҳр билан ўргатди.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ҳамда опа-сингил Виноградовалар номидаги мукофот лауреати, кўпстанокчи тўқувчи Дилбар Қулматова, 1-тўқув фабрикасининг пешқадам тўқувчиларидан Мадина Раҳмонова, Зулайхо Камбарова ва бошқалар ўзларини Садди Пўлатованинг шогирдлари ҳисоблашади. Бугунги кунда уларнинг ўзи ёшларга устозлик қилишяпти.

— Цехга келган ҳар бир ёш ишчини ўз фарзандим деб биламан, — дейди Садди опа. —Унга ёрдам бергим, ҳаётга, меҳнатга ўргатгим келади. Ишни уддалаб кетганини, илғорлар сафидан ўрин олаётганини кўрганимда эса қувончим ичимга сиғмайди.

— Садди опамни иккинчи онам ҳисоблайман, — дейди шогирдлик дамларини эслаб Дилбар Қулматова. —Бу аёлнинг беқиёс меҳри, ғамхўрлиги, онадек талабчан ва зукколиклари туфайли тўқувчилик касбини пухта эгаллаб, элга танилдим. Мен устозимнинг бу яхшиликларини ҳеч қачон унутмайман.

Садди Пўлатованинг ёш ишчиларни тарбиялаш соҳасида қилаётган катта хизматлари юқори баҳоланмоқда. У ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёшлар мураббийси» фахрий нишони билан тақдирланган. Яқинда эса унга Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва тўқимачилик ҳамда енгил саноат ишчилари касаба союзи республика Комитетининг 1 Даражали дипломи ва «Энг яхши ишлаб чиқариш инструктори» фахрли унвони берилди.

Дарҳақиқат, бизнинг замонамиздаги устоз ва шогирдлик анъанаси ўтмишдаги манфаатпарастлик иллатидан ҳоли бўлган, пок инсоний туйғуларга асосланган, йиллар ўтган сайин ҳаётимизнинг барча соҳаларида кенг миқёс олиб бораётган ажойиб ҳодисадир. Буни Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 1976 йилда комбинатнинг илғор тўқувчиси Анна Верзилина «Шогирд— мураббийга тенглашсин» шиори остида ташаббус бошлаган эди. Шундан бери орадан ўн йилга яқин вақт ўтди. Ушанда Анна Сергеевна ўз оталиғига олган ёш тўқувчилар С. Фасхуддинова ва А. Молодова илғорлар сафидан ўрин олишди. Хайрли ташаббус эса комбинатда кенг қулоч ёйди. Ҳозир бу ерда 1091 мураббий 2169 ёш ишчига касб ўргатаяпти. Юқорида ҳикоя қилганимиз 1-тўқув фабрикасидаги ишлаб чиқариш таълими инструктори Садди Пўлатова, ип фабрикаси пишитувчиси Мавлуда Курпачева, 2-тўқув фабрикаси илғор тўқувчиси Мария Чекмазова, 2-йигирув фабрикасининг илғор йигирувчиси Шоира Тошматова комбинатнинг бугунги кундаги пешқадам мураббийларидандир. Бу илғорлар юқори зичликда ишлаб, шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал бажаришдан ташқари, ёшларга касб ўргатишга, уларнинг юриш-туриши, хулқ-атворларидан огоҳ бўлиб туришга ҳам вақт топадилар.

Комбинат партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика саноатида, қурилишида ва транспортида мураббийчилик ҳаракатини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорини амалга ошира бориб, ёш ишчилар тарбиясига алоҳида эътибор беришаяпти. Бу масала тез-тез партия, касаба союз мажлисларида муҳокама этилади, ёшларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларнинг ҳам ишлаб, ҳам ўқиши, кўнгилли дам олишларини таъминлаш бўйича зарур тадбирлар белгиланади. Бу тадбирлар ўз навбатида ёшларнинг корхонада муқим қолиб, илғорлар сафидан ўрин олишларида, коллектив ўз зиммасига олган план ва мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишида қўл келаяпти.

Комбинатда шу кунларда совет халқи Улуғ Ватан урушида немис-фашист босқинчиларн устидан қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Бу мусобақада айниқса 2-тўқув фабрикасининг 2-цехи коллективи намуна бўлмоқда. Бу коллективда мавжуд олтита бригада меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада усулида ишлаб, кўплаб юқори сифатли газлама ишлаб чиқаряпти. Тўқувчилар айни баҳор кезлари «Астра», «Зулфия», «Миткаль—23» деб номланган гуллари чиройли кўйлакбоп газламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Цехда февраль ойи топшириғи 170 процент адо этилганди. Март ойи ҳам муваффақият билан якунланди. Цехда қолоқлар, меҳнат интизомини бузувчилар йўқ. Ёшлар ўртасида қўнимсизлик жуда оз.

Комбинатда мана шундай намунали коллективлар талайгина. Уларнинг фидокорона меҳнати умумий муваффақиятни таъминлаяпти. Бу ерда маҳсулот реализация қилиш бўйича январь-февраль ойлари топшириғи ортиғи билан адо этилиб, қўшимча 120 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Март ойи натижалари ҳам яхши бўлди.

Ҳозир тўқимачилар иккинчи квартал топшириқларини муддатидан аввал адо этиш, тинчлик ва дўстлик байрами — 1 Майни муносиб нишонлашга ҳаракат қиляптилар.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА, А. ЭГАМНАЗАРОВ.

ОЛИЖАНОБ МАҚСАДГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

АДДИС-АБЕБА. Аддис-Абебада доимий ишлаб турган совет выставкаси СССР билан социалистик Эфиопия халқлари ўртасида ҳамкорлик ҳамда қардошларча бирдамликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида фашизмга қарши олиб борган қаҳрамонона курашини акс эттирган фотоматериаллар ва ҳужжатлар выставкасининг дастлабки экспонатлари бўлган эди. Қирқ йил мобайнида совет маданият марказида В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига, совет халқининг барча соҳаларда қўлга киритган улкан ютуқларига бағишланган юзлаб фотоэкспозициялар, расм ва плакатлар кўргазмалари ташкил этилди. Виставка доирасида митинглар ва дўстлик кечалари, ҳар йили эса совет киноси ҳафталиги ўтказиб турилади. Шу давр ичида эфиопиялик минглаб йигит ва қизлар бу ерда ишлаб турган рус тили курсларида Ленин, Толстой, Маяковский тилида ўқиш ва ёзишни ўрганиб олишди.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

10 АПРЕЛЬ, 1985 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан

ҚАЛАМ ВА ҚУРОЛ БИЛАН...

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи «Ўзбек совет адабиёти» бўлимининг Улуғ Ватан уруши даври адабиёти ҳақида қимматли материаллар асосида ташкил этилган.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунлариданоқ, Коммунистик партия адабиётимиз олдига муҳим вазифалар қўйди. Ёзувчиларни етук бадиий асарлар яратиб, совет кишиларини ватанпарварлик ва қаҳрамонлик руҳида тарбиялашга чақирди. Умумсовет адабиётининг ажралмас бир қисми бўлган ўзбек совет адабиёти ҳам уруш йилларида жиддий синовдан ўтди. Ўзбек ёзувчиларининг бир қисми мамлакат ичкарисида, айримлари қалам ва қурол билан улуғ курашда иштирок этди. Н. Сафаров, А. Раҳмат, М. Исмоилий, С. Жўра, И. Раҳим, Назармат, Шуҳрат, М. Бобоев, П. Турсун, М. Муҳамедов каби ўттиздан ортиқ ёзувчилар Ватан уруши фронтларида хизмат қилдилар.

Экспозицияда юқорида номлари тилга олинган ижодкорларнинг ҳаёт йўли ва адабий меросига оид текстли материаллар, мойбўёқда ишланган портретлар, турли бадиий безаклар, тарихий ҳужжатлар, фотосуратлар, шахсий буюмлар, қўлёзмалар ҳамда китоблар намойиш этилмоқда. Бу экспонатлар — томошабинларда ўша давр руҳи ҳақида, жангчи адибларимизнинг ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолиятлари тўғрисида, айни пайтда, адабиёт Улуғ Ватан уруши йилларида душманга қарши ўткир қурол бўлиб хизмат қилгани хусусида бой тасаввур уйғотади.

Ватан мудофаси учун ялпи сафарбарлик, мардлик, қаҳрамонлик руҳи айниқса шеъриятда кенг ифодаланди. Ойбекнинг «Ёвга ўлим», Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол!», «Жангчи Турсун», Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», Шайхзоданинг «Кураш нечун?», «Капитан Гастелло» ва бошқа қатор асарлари уруш даври поэзиясининг энг яхши хитобномалари сифатида янгради. Музейга келган адабиёт мухлислари витриналарда ана шу асарларни ҳам кўришлари мумкин. Шунингдек, А. Раҳмат, С. Жўра, Р. Файзий, И. Раҳим, Назармат, Шуҳрат ва бошқа ижодкорларимиз қаламига мансуб бўлган, уруш даври воқеаларини ўзида акс эттирган кўплаб китоблар ҳам экспозициядан муносиб ўрин эгалланган.

Экспозициядан йирик санъат асарлари ҳам жой олган. Шулардан бири Ўзбекистон ССР халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Улуғ Ватан уруши йилларида 14 болани тарбиялаган темирчи Ш. Шомаҳмудовлар оиласи» номли йирик полотносидир. Бу асарда қалби кенг, меҳри дарё эр-хотин Шомаҳмудовлар билан биргаликда урушда ота-оналаридан ажралиб қолган, турли миллат фарзандларининг образи моҳирона чизилган. Ўша оғир шароитларда ўз фарзандлари қаторига яна 14 нафар турли ёшдаги болаларни қўшиб олган, уларнинг тарбияси билан шуғулланган, вояга етказиб, меҳнат қучоғига узатган фидойи ва меҳнаткаш совет кишилари образи яратилган. Асарда СССР халқлари ўртасидаги ажралмас дўстлик, бир-бирига мадад беришдек олижаноб ғоя рамзий тасвирланган.

Нодир экспонатлардан бири «Ўзбек жангчиларининг фронтдан ўзбек адибларига йўллаган мактуби» фотонусхасидир. Мактуб оқ қоғозга рус тилида, ёзув машинкасида ёзилган.

Бир сўз билан айтганда, бу давр ўзбек адабиёти намояндалари халқни ва жангчиларимизни ғалабага илҳомлантирувчи ажойиб асарлар яратдилар. Уларда совет халқининг душман устидан қозонган Буюк Ғалабаси зўр пафос билан қуйланди. Бу улуғ кураш ва Буюк Ғалабанинг қўлга киритилишида ўзбек шоир ва ёзувчилари қўлларида қалам ва қурол билан олдинги сафларда бўлдилар.

Б. ВАЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат адабиёт музейининг илмий ходими.



КЕМЕРОВО. Маҳаллий рассом Герман Захаровнинг область рассомлар уйида очилган ижодий кўргазмаси — Совет халқининг немис-фашист босқинчилари устидан қозонилган Буюк Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланди. Рассомнинг ёшлиги уруш йилларига тўғри келди. СУРАТДА: рассом Г. Захаровнинг «Урушдан кейинги Минск манзараси» картинаси.

СТУДЕНТЛАР ИЖРОСИДА

Тошкент консерваториясида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган музыкали кечалар студентлар халқ чолғу оркестри концерти билан бошланди. Концертда А. Новиков, Д. Тухманов, Я. Френкелнинг асарлари, Ўзбекистон композиторларининг Улуғ Ватан урушига ғўғрисидаги янги асарлари янгради. П. Холқовнинг ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасига бағишланган ва шу студентлар коллективи учун махсус ёзилган увертюраси ҳам концерт программасига киритилди.

Тошкент консерваториясида уруш йиллари қўшиқлари, студент композиторларнинг шонли Ғалабага бағишланган янги асарлари янграйди.

УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН

Қўқондаги «Текстильмаш» заводи полиэтилен қопқоқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Йил охиригача ярим миллион дона шундай маҳсулот тайёрлаш мўлжалланмоқда. Корхонада кўплаб харид қилинадиган буюмлар анчагина ишлаб чиқарилмоқда. Бундай буюмларни тайёрлашда чиқитлардан фойдаланилмоқда. Булар печка эшиклари, дераза соябонлари, эшик зўлфлари ва бошқа буюмлардир. «Саломатлик бурчаги» харидорларга айниқса манзур бўлмоқда. Бу комплектда бир қанча ихчам қурилмалар бўлиб, улар одатдаги квартирада физкультура билан шуғулланиш имконини беради. Эндиликда хамирни фигурали қирқадиган оригинал мослама ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

БАҲОРДА ИЧИЛАДИГАН ВИТАМИНЛАР

Баҳор фаслида одам организмида витаминлар камайиб кетади. Витаминлар миқдори мева ва сабзавотларда ҳам камаяди. Шунинг учун кўпчилик одамлар дорихоналардан витамин препаратларини олишади, лекин уларни қайси вақтда истеъмол қилишни билишмайди. Шундай витамин препаратлари борки (никотин кислотаси, фолий кислотаси, рибофлавин), овқатдан олдин ичилса ошқозоннинг шиллиқ қаватларини яллиғлантиради ва оғриқ беради. Шунинг учун бундай витаминларни овқатланиш вақтида ёки овқатдан кейин ичиш тавсия қилинади. Ёғда эрийдиган витаминларни (витамин «А», «Д») овқат билан истеъмол қилган мақсадга мувофиқдир.

Витаминлар дорихоналарда рецептсиз сотилса ҳам, уларни истеъмол қилиш учун албатта врач билан маслаҳат қилиш, фойдаланиш режими тўғрисида батафсил маслаҳат олиш лозим.

И. МУҚИМЖОНОВ,
доришунос.

Газетхон илтимоси

ИЧКИЛИК—УМР КУШАНДАСИ

Яқинда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш бўйича йирик соцналар комплекси маъқулланди. Бу тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, шу мақсадда ва хўжалик органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш ҳамда уларни доимо мувофиқлаштириб олиб бориш, алкоголизмга қарши пропагандани кенг кўламда авж олдириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ичкиликбозликнинг зарари, унинг замонамизга, турмуш тарзимизга ёт иллат эканлиги ҳақида редакциямизга оқшомхонлардан кўплаб мактублар келиб турибди. Уларда алкоголизм оқибати туфайли содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида қисқача хабарлар келтирилиб, ичкиликнинг асоратидан қандай қутулиш мумкин, деб савол берадилар, бу мавзуда материаллар ўқиш истагини билдирадилар. Қуйидаги мақола оқшомхонлар илтимосига биноан тайёрланди.

Очиғини айтганда, ҳар бир тўй-маросимлар, зиёфат-у,меҳмондорчиликларда ёзилган дастурхон ичимликсиз бўлмайди. Баъзан туппа-тузук обрў-эътиборли шифокор, олим, ишчи ёки ўқитувчиларнинг мана шу шодиёна кун сабабчилари шаънига бир оғиз илиқ сўз айтиш учун қадаҳ кўтарганлари гувоҳи бўласиз. Нақот яхши ният айтиш учун албатта қадаҳ кўтариш зарур бўлса? Ахир бу ўзгалар соғлиғи учун ўзини «қурбон» қилишнинг ўзгинаси эмасми?

Ичкилик одамлар орасида пайдо бўлибдики, ўзининг қора асорати билан мудҳиш ёвузлик манбаи бўлиб келмоқда. Спиртли ичимликларнинг хунук оқибатлари ҳақида буюк табиб Абу Али ибн Сино ҳам талай маълумотлар қолдирган.

Ҳозирги замон медицинаси спиртли ичимликлар айниқса бўлажак ота-оналар учун катта мусибат келтиришини илмий равишда исботлаб берди. Алкоголь ота-она организмига жиддий таъсир этиш билан бирга ўз навбатида уларнинг фарзандларида ҳам ўз асоратини қолдиради. Агар эмизувчи она спиртли ичимлик истеъмол қиладиган бўлса, гўдак организмидаги бир қатор тўқималарнинг ишдан чиқишига сабабчи бўлади.

Ичкилик инсоннинг фақат ташқи қиёфасини бузибгина қолмасдан, унинг ҳаётий аъзоларини ҳам ишдан чиқаради. Худди шунинг учун ҳам йилига минг-минглаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юммоқдалар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотлари ва олимларнинг кўрсатишича, АҚШда йилига спиртли ичимликлар асоратидан 100 минг киши, Англияда 40 минг, Францияда 18 минг киши вафот этаркан.

Алкоголь натижасида зарарланадиган нозик аъзолардан бири жигардир. Маълумки, жигар инсон ҳаётида ниҳоятда муҳим функцияларни бажаради. Бу аъзо овқатни ҳазм қилишда фаол қатнашади, организмга тушган зарарли моддаларни зарарсизлантиради. Сурункали алкоголь албатта жигар фаолиятини ишдан чиқаради. Хужайраларда углеводлар (гликоген) йўқолади. Жигарда ёғ моддаси тўпланади. Натижада вақт ўтиши билан жигар хужайралари ҳалок бўла бошлайди, уларнинг ўрнида микроскопик бўшлиқлар ҳосил бўлади, мазкур жойлар парчаланган ёғ моддаси билан тўлади ёки жигар тўқималарининг яллиғланиши ҳосил бўлади. Хасталанган жигар ўзининг вазифасини бажара олмайди, қонда сезиларли даражада ўт пигментлари мавжуд бўлади. Ичкиликка берилган одамда овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилишида жигар функциясининг бузилиши ҳам катта роль ўйнайди.

Сурункали алкоголизмда эпидемик гепатит (Боткин хасталиги) жуда оғир ўтади, аксарият ҳолларда у жигар циррозига олиб келади. Шуни эслатиб ўтиш керакки, агар алкоголь истеъмол қилмайдиган кишиларда жигар циррози авж олишини тўхтатиш мумкин бўлса, ичкилик оқибатида пайдо бўлган циррозни даволаш анча мушкул.

Алкоголь ошқозон-ичак йўли шиллиқ пардаларига салбий таъсир кўрсатади. Меъда деворларида махсус безлар мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида оқсилларни парчалаш хусусиятларига эга бўлган пепсин моддаси ҳамда нордон муҳит яратадиган хлорид кислотасини ишлаб чиқаради. Меъда безлари алкоголь таъсирида шиддат билан кўп миқдорда шиллиқ аралаш хлорид кислотали шира ажратади. Шунда шиллиқ пардаларининг ўзи дағаллашиб, қалинлашади ва яллиғланади. Бу илмий тил билан гиперацидли гастрит деб аталади. Бундай нохуш хасталикка учраган беморлар кўпинча умумий дармонсизлик, таъсирчанлик, жиғилдон қайнаши, нордон кекириш, тўш остида оғриқ туриши, кўнгил айнишидан тез-тез арз қиладиган бўлиб қоладилар. Шу даврда ҳам бемор алкоголь истеъмол этадиган бўлса у ҳолда меъда безлари зўраяди ва натижада толиқиш рўй беради. Меъда шиллиқ девори юпқалашиб, нафислашади ва сурункали гастрит ҳосил бўлади. Бундай беморларда иштаҳа қочади, улар биқинлари ва қовурғалари тагида нимадир ботиб турганини ҳис этадилар. Сурункали қорин оғриши, жиғилдон қайнаши вужудга келади.

Алкоголь билан боғлиқ бўлган гастритларда ичак яллиғланиши — энтероколит ҳам мавжуд бўлади. Чунки алкоголь безлар секрециясига, меъда ости бези ҳамда юқорида айтиб ўтганимиздек, жигарга салбий таъсир кўрсатади.

Алкоголь оғир кўринишдаги меъда ҳамда ўн икки бармоқли ичак хасталиги келиб чиқишига сабаб бўлади. Меъда ҳамда ичак шиллиқ деворлари ва безларнинг яллиғланиши ўсимта-полиплар ҳосил бўлишига олиб келади. Меъда ширрасида хлорид кислотанинг камайиши ёки бутунлай йўқолиб кетиши меъда раки ҳосил бўлиш хавфини туғдиради.

Алкоголь овқат ҳазм қилиш аъзоларидан бири бўлмиш меъда ости безига ёмон таъсир кўрсатади. Бу без фаолиятида жиддий нуқсонлар пайдо бўлади ва натижада киши панкреатит касаллигига дучор бўлади.

Алкоголь таъсирида овқат ҳазм қилувчи ферментлар фаолияти бузилади. Натижада инсулин ишлаб чиқариш сустлашади. Меъда ости бези фаолиятида содир бўлган нуқсонлар кишини қантли диабет касаллигига чалинтириб қўяди.

Спиртли ичимликлар одамнинг юрак-қон томир системасига салбий таъсир кўрсатади. Гипертониянинг ривожланишига кенг йўл очиб беради. Шунинг учун ҳам гипертония касаллиги спиртли ичимлик истеъмол қиладиган кишиларда кўп содир бўлади. Алкоголь қоннинг ивиш қолиш ҳолатини ҳам оширади, оқибатда қон томирларида тромб (тиқилма) ҳосил бўлиши мумкин. Мабодо тромб артерия найларида содир бўлса, хавфли касаллик— юрак инфарктига олиб келиши мумкин.

Алкоголь истеъмол қилинганда, спиртли ичимликнинг бир қисми ўпка орқали ажралади. Шу туфайли ҳам ўпка тўқималарини алкоголь маълум даражада ишдан чиқаради. Сурункали бронхит, эмфизема, ўпка склерози алкоголнинг асорати натижасида ҳосил бўлган оғир хасталиклар ҳисобланади.

Ичкиликка ружу қўйган кишилар нормал одамларга нисбатан оғир кўринишдаги ўпка сили ва бошқа юқумли касалликларга кўпроқ чалинадилар. Алкоголь оқибатлари организмда табиий курашчанлик қобилиятини, иммунитет ҳосил қилиш хусусиятини ниҳоятда сустлаштириб юборади.

Маълумотларда қайд қилинишича, алкоголь сунистеъмол қилинганда ички секреция безларида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Айниқса, буйрак усти бези ва жинсий безлар хасталанади. Жинсий гармон ишлаб чиқарувчи ҳужайралар ўзининг табиий қобилиятини йўқотади ва бу оғир асоратларга олиб келади.

Умуман алкоголь асорати бошқа хасталиклар ичида «етакчи» ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, кейинги йилларда алкоголь билан боғлиқ касалликлар юрак-қон томир, хавфли ўсма касалликларидан сўнг учинчи ўринда турар экан. Ичкилик исканжасида бўлган кишилар ўз ёшидан 10—15 ёш катта кўринадилар. Бу албатта инсон организмининг эрта қаришидан нишона.

Ичкилик умр ва саломатлик қушандаси. Хўш унинг исканжасидан қутилиш мумкинми? Албатта мумкин. Бунинг учун сабот ва матонат бўлиш керак. Қолаверса, ҳозирги замон медицинаси унга ёрдам бериши мумкин. Эндиликда бизда алкоголизм асоратидан қутила олмаётган кишиларни даволайдиган махсус наркологик диспансер ва шифохоналар мавжуд. Мутахассислар алкоголга гумашта бўлган кишининг аҳволига қараб у ёки бу кўринишдаги даво чораларини белгилайдилар. Бунинг учун етарлича дори-дармонлар ҳам бор.

Жамиятимиз учун ёт бўлган ичкиликбозлик иллатидан батамом форғ бўлайлик. Ана шундагина биз ўзимизни бевақт ўлимдан сақлаган, гул ёшлигимизни авайлаб-асраган ва ҳалол меҳнат билан топилган бойлигимиз қадрига етган бўламиз.

М. НАБИЕВ,
доришунос.
М. МАМАНОВ,
шифокор.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Ичкилик одамларнинг жисмоний соғлигини нобуд қилади, ақлий қобилиятини нобуд қилади, оила ҳаловатини нобуд қилади ва энг даҳшатлиси, одамларнинг қалбини ва уларнинг авлодини нобуд қилади.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

● Ичкилик ичиш инсониятга, гарчи у ҳурсандлик учун ичилса ҳам шодликдан кўра кўпроқ мусибат келтиради. Қанчадан-қанча истеъдодли ва забардаст одамлар ичкилик туфайли нобуд бўлдилар ва нобуд бўлмоқдалар.

И. П. ПАВЛОВ.

● Ароқ ўзи оқ, аммо бурунни қизартириб, обрўни қора қилади.

А. П. ЧЕХОВ.

● Маст одамга ёруғ кўча ҳам зулмат.

К. Д. УШИНСКИЙ.

● Май аввал юзга ранг берар, сўнг безрайтирур.

САЪДИЙ.

● Ичкилик кишини ҳайвонга айлантириб, ваҳшийлаштиради, уни бешафқат қилиб, яхши фикрлардан чалғитади, мияни ўтмаслаштиради.

Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ.

● Маданиятли кишилар ҳам мастликда ўз қиёфаларини йўқотиб, инсонгарчиликдан чиқадилар.

ЖЮЛЬ ВЕРН.

МЕДИЦИНА ОЛАМИДА

ЯНГИ УСУЛ

Сунъий жағтиш ўрнатишнинг усули кўп, лекин уларнинг ҳеч бири на врачларни, на беморларни тўла қондиролмаяпти. Яқинда АҚШда ишлаб чиқилган усул бу соҳада янгилик бўлди. Сунъий жағтиш кобальт ва саморий қотишмасидан тайёрланган жажжи, лекин ўта кучли магнит ёрдамида мустаҳкамланади. Бор-йўғи 30 граммлик бу магнит 159 килограммгача бўлган вазндаги юкни кўтара олади. Тишга эса қаттиқ таом чайналган тақдирда ҳам, кўпи билан 80 килограммлик куч таъсир этади, холос.

ЛАЗЕР БИЛАН ДАВОЛАШ

Болгариялик врачлар кичик кўчаниши-даги лазер нури куйган тўқималарни тиклаш учун етарлидир, деган хулосага келишди. Пловдив шаҳри медицина институтининг шифокорлари куйган жойни лазер нури билан даволаш борасида олиб борган тажрибалари туфайли бунга эришилди. Ҳароҳатланган жой лазер нури билан ўн икки кун давомида кунига уч минутдан нурлантирилди. Кўпчилик беморларда тўртинчи куниёқ оғриқ деярли қолди, уйқу ва иштаҳалари ҳам яхшиланди.

Тўғри овқатланинг

Тўғри овқатланишда гап кўп. Бунга риоя этилмаса овқат ҳазм қилиш жараёни бузилади. Одамнинг қорни қаппаяди ва оғрийди, қулдирайди, оғзи бемаъза бўлиб иштаҳаси йўқолади. Бунинг устига қорин дам бўлганда бош оғриши ҳамда кўкрак қисиш хуружи бошланиши мумкин. Шунинг учун киши аввало тўғри овқатланиши керак. Қабзият бўлмаслик учун янги ёпилган нон, ширинлик, нўхот, ловия, карам, картошка ва газли ичимликларни камроқ истеъмол қилиш керак. Гўшт, балиқ, тухум, творог, қатиқ ва ҳўл мевалардан еб турish қабзиятнинг олдини олади.

● Шифо масканларида

ШИРИНСУХАН ВРАЧ



Дунёда шундай кишилар бўладики, улар ўз касбини сидқидилдан севиши, саммий муомаласи, ширинсуханлиги билан эл эътиборини қозонади. Шунинг учун ҳам унинг номи кўпчилик томонидан севиб тилга олинади. Ана шундай инсонлардан бири шифокор Юлдуз Тожибоевадир. У узоқ йиллардан бери Ўзбекистон онкология ва радиология илмий тадқиқот институтининг онкология клиникасида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида қанчадан-қанча беморлар бу тажрибали шифокор ёрдамида ўз дардларига даво топишди. Булар орасида гулистонлик В. В. Арсенова, жиззахлик А. Г. Шабнева, чинозлик А. В. Елушеевалар ҳам бор.

Ю. Тожибоева ишлаётган клиниканинг аҳил коллективи, тажрибали врачлари ва ширинсуханлари ҳақида ташаккурнома дафтарига тузалиб уйига қайтаётган кишилар томонидан ёзиб қолдирилган миннатдорчилик сатрларини кўплаб ўқишингиз мумкин.

Медицина фанлари кандидати Ю. Тожибоевага беморлар катта раҳмат айтишмоқда. Ўз касбининг устаси, камтарин, ширинсухан шундай одамлар доим бор бўлсин.

М. АКРОМОВА.

СУРАТДА: Юлдуз Тожибоева ҳамшира Шоҳида Солиҳова билан беморнинг касаллик тарихини кўздан кечирмоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

● Буни ҳамма билиши керак

ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ДАМ ОЛГАНДА

Баҳор бошланиши билан шаҳарликлар табиат қучоғига ошиқишади. Улар сўлим боғларда, дарё ва кўл бўйларида, дам олиш зоналарида мириқиб ҳордиқ чиқаришади. Худди шу даврда табиатдаги ҳамма жонивор-лар, айниқса бўғин оёқлилар активлашади. Ўлар орасида одам учун анча хавфли бўлган заҳарли жонивор-лар ҳам мавжуд.

Республикамиз территориясида 15 дан ортиқ турдаги заҳарли ўргимчаксимонлил а р-ни учратиш мумкин. Улар ичида энг хавфлиси қорақурт, бий ва чаён бўлиб кутилмаганда дуч келиш мумкин. Шунинг учун табиат қўйнида дам олаётганда барча эҳтиёт чораларини кўриш лозим.

Хўш, қорақурт, бий ва чаён чақса кишида қандай белгилар пайдо бўлади. Қорақурт чаққан киши танасининг заҳарланган жойида икки дона қизил доғ пайдо бўлади. Бу доғ бир неча минутдан сўнг йўқолиб кетади. Кейинчалик одам танасида кучли оғриқ бошланиб, нафас олиш қийинлашади, бош оғриқ, қусиш содир бўлади. Танадан совуқ тер чиқади, бемор дармонсизланади. Заҳарланган одамлар биринчи ёрдамни ўша ерга яқин касалхоналардан олиши керак.

Шундай кўнгилсиз воқеалар содир бўлмаслиги учун табиат бағрида дам олувчилар ўз турар жойларини, майдонларни яхшилаб синчиклаб текширишлари керак. Агар ўша ерда тунаб қолинадиган бўлса, докали пашшахоналар дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Н. ЭРГАШЕВ,
биология фанлари кандидати.

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

Тошкент — Олмаота «Дўстлик» матчи

● **Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдинда боришмоқда. Иккинчи тахтада вазият кескинлашди.**

● **Олмаоталиклар 29-юришга жавоб беришди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.**

● **30-юриш қандай бўлиши керак!**

20 мартда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонларининг сиртқи шахмат матчида йигирма тўққизинчи юриш эълон қилинган эди. Бу сафар мухлисларнинг таклифи ва фикрлари икки хил бўлди. Айримлар c5 катагида турган филни e3 катагига юриш керак дейишди, кўпчилик эса c5 катагидаги фил билан b7 катагидаги пиёдани уриш кераклигини айтишди. Жюри кейинги юришни тўғри деб топди ва у олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди. Улар вазият кескинлашгани туфайли танаффус олишни ва тахтадаги аҳволни пухта таҳлил қилишни лозим топишди. Матч низомига кўра уларга иккинчи марта танаффус берилди. Ниҳоят улар тошкентликларнинг 29-юришига жавоб беришди —Кd7—e5.



Ҳурматли шахмат мухлислари! Узингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги 30-юриш қандай бўлиши керак? Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Энг мақбул юришларни таклиф этган газетхонларнинг исми ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Уз таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32 «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 32—55—32, 33—08—74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

„ТО" спорт ҳафтаси

Спорт кундалиги

● Латвия пойтахти Рига шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган анъанавий халқаро мусобақалар якунланди. Бу ерда тошкентлик гимнастикачи Ирина Баракса-нова яхши маҳорат кўрсатди. У кўпкураш якунида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди. Алоҳида программалар бўйича ҳам ҳамшаҳримиз муваффақиятга эришди. Бу сафар олтин ва кумуш медаль соҳиби бўлди.

● Қўл тўпи бўйича аёллар биринчи лига командалари навбатдаги тур учрашувларини давом эттиришмоқда. Группада биринчи ўринни эгаллаган коллектив келгуси йили олий лигада иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам баҳслар кескин ва муросасиз бўлмоқда. Тошкентнинг «Текстильшчик» командаси турнир пешқадами Береговое шаҳрининг «Бахтиянка» командаси билан очколарни бўлашиб олиб, орадаги фарқни камайтиришга муваффақ бўлган эди. Бироқ кейинги турда ҳар икки коллектив ҳам мағлубиятга учради. «Текстильшчик» командаси 30 очко билан учинчи ўринда бормоқда.

● Тошкентда халқаро шашка бўйича республика биринчилиги давом этмоқда. Турнир пешқадами тошкентлик халқаро классли спорт мастери Сергей Давидов учинчи турда ҳам ғалабага эришди. У бу сафар андижонлик Дилшод Ҳайдаровни енгди.

● Тошкентда «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг баскетбол турнирига старт берилди. Биринчи турда Тошкентнинг «Университет» командаси Озарбайжон нефть ва химия институти коллективини 58-39 ҳисобида енгди. Ҳамшаҳарларимиз минсклик баскетболчилар билан бўлган учрашувда ҳам зафар қўчишди — 68:61.

● Физкультура коллективларида

СПОРТ ЗАЛИДА ИМТИҲОН

Кенг спорт зали. Унинг бир томонида қизлар ритмик гимнастика билан, иккинчи томонида эса йигитлар дзюдо билан шуғулланишмоқда. Магнитофондан янграб турган музика садолари уларнинг ҳаракатини маромга солишга ёрдам бермоқда. Қизларга Полина Семёновна Азина йигитларга эса Сервер Азизов устозлик қилишмоқда. Бу жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ҳурматлари анча баланд. Уларнинг хоҳишларига қараб секцияларга юборишади. Секциялар бу ерда оз эмас: ГТО, гандбол, дзюдо, бадиий ва ритмик гимнастика, баскетбол, волейбол ва ҳоказолар.

Йил ўтиши билан студентларнинг бажараётган машғулотларнинг мураккаблиги ҳам ошиб боради. Учинчи курс студентларидан спортнинг маълум бир тури бўйича разрядга эга бўлиш билан бирга, жамоатчилик асосида судьялик қилиш ҳам талаб этилади. Ана шу вазифалар уддалансагина студентнинг имтиҳонлар дафтарчасига зачёт қўйиб берилади. Акс ҳолда эса, қайта имтиҳон топширишга юборилади.

Машғулотларнинг мунтазам ўтказилиши ҳамда институт бўйича тезтез мусобақалар ташкил этилиши ишга катта фойда келтирмоқда. Институт студентларининг ҳаммаси диплом билан бирга, разряд ва судьялик унвонига эга бўлаётганлиги қилинаётган ибратли ишларнинг самарасидир.

БИЛДИРИШ

Шаҳар идеология ходимлари университетининг лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати ҳамда лекция пропагандасида пропаганданинг техника воситаларини қўллаш методикаси факультетларининг тингловчилари диққатига.

11 апрель соат 17.00 да В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида «Кўргазмали қўлланмалар ва техника воситаларидан лекцияда фойдаланиш» мавзуида лекция ўтказилади. Лектор —В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг илмий ходими С. В. Элчибекова. Лекция тугагандан сўнг ўтилган мавзулар бўйича амалий машғулотлар бўлади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет оқшоми

10 АПРЕЛЬ. 1985 й.

ПОЙТАХТ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ИДОРАСИНИНГ
28-«ДЎСТЛИК» СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР АДАБИЁТИ ИХТИСОСЛАШГАН КИТОБ МАГАЗИНИ
10 АПРЕЛДАН 25 АПРЕЛГАЧА
ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ НАШРИЁТИ ЧОП ЭТГАН НОТА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Кўргазмада фортепьяно, скрипка, виолончел ва партитура класси бўйича нотолар намойиш қилинади.

Магазинда чунончи, Куба нашриётлари чоп этган испан тилидаги кўпдан-кўп ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар мавжуд.

ГДРнинг «Ландвиртшафтферлаг» нашриёти чоп этган немис тилидаги «Қимматбаҳо мўйна» китоби ҳам савдога чиқарилди.

Баҳоси —11 сўм 79 тийин.

Китоб мўйнали ҳайвонлар физиологияси, уларни парваришлаш ва мўйналарга ишлов бериш ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Магазин — соат 10.00 дан 19.00 гача ишлайди.
Дам олиш куни — якшанба.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 40-уй. Телефон 56-44-40.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ «ПРОМСТРОЙКОМПЛЕКТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-КОМПЛЕКТЛАШ БИРЛАШМАСИГА:
монтажчилар, электр пайвандчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, сантехниклар, ойна солувчилар, электриклар, тепловоз машинистларининг ёрдамчилари, поезд тузувчилар, диспетчерлар.
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА:
бош технолог (пайвандчи), **ишлаб чиқаришни бошқариш, диспетчерлик, план-иқтисод, бош механик, меҳнат ва иш ҳақи бўлими ва бошқармаларнинг катта инженерлари ва инженерлари; катта бухгалтерлар, контроль-ревизия бўлимининг бошлиғи, катта ревизорлар, ревизорлар, кассир, катта зоотехник, катта агроном, машинистка, секретарь-машинистка, маиший ишлар бўйича инженер.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ СТАНЦИЯСИГА
ветеринария врачлари, фельдшерлар, лаборантлар, районлардаги ветеринария даволаш муассасаларида, гўшт-сут ва озиқ-овқат назорат станцияларида ишлаш учун санитарлар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИГА:
сантехниклар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, бошқа қурувчилик касбидаги ишчилар. Иш ҳақи аккорд-мукофотли.

КИРОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА
ўраш машиналарининг машинисткалари, карамель массасини пиширувчилар, карамелчилар, тайёр маҳсулотни ўраб жойловчилар, ўраш машиналарининг слесарь-созловчилари, юк ташувчилар, фаррошлар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ 3-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА:
гараж бошлиғи, меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг катта инженери, автомашиналар ремонти бўйича мастер, ҳайдовчилар, секретарь-машинистка.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Октябрь район пункти — У. Юсупов, кўчаси, 3-уй;
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
Куйбишев район пункти —К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 49-уй.
Собир Раҳимов район пункти— Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти— Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти—2-квартал, 69-уй.

Ўрта Осиё темир йўли электр таъминотининг
1-ТОШКЕНТ УЧАСТКАСИ

ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛЛАРНИНГ КОНТАКТЛИ ТАРМОҚЛАРИ ЭЛЕКТРОМОНТЕРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

7 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул қилинганларга ҳар ойда 90 сўмдан стипендия тўланади.
Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУРСЛАРГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР 15 АПРЕЛДА БОШЛАНАДИ.
Курсларга қабул қилинганлар темир йўл транспорти ходимлари учун бериладиган ҳамма имтиёзлардан фойдаланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 2-Ипподром проезди, 1-переулок; 1-«а» уй (5, 26-трамвайларнинг «Путепровод» бекати; 12, 22, 26, 37, 52, 68, 80, 61, 81, 183-автобусларнинг «Рисовая» кўчаси бекати).

ЭЛЕКТРОНИКА

ТОШКЕНТ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМА МАГАЗИН-САЛОНИ

фанер таралари (ишлатиб бўлинган ностандарт размердаги посилка яшчиклари)**ни чекланмаган миқдорда**
нақдсиз пул ўтказиш йўли билан
СОТАДИ

Магазин адреси: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-68-60.

«Тошкент «Электроника» фирма магазин салони.
«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
43-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-86 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ПУЛАТ ВА ТЕМИР-БЕТОН КОНСТРУКЦИЯЛАРИ МОНТАЖИ БЎЙИЧА МОНТАЖЧИ, ҒИШТ ТЕРУВЧИ, ДУРАДГОР, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ (қўлда пайвандловчи), ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, МИКРОСХЕМАЛАРНИ ИЛҒУВЧИ, БУЁҚЧИ, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК, ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ.

8-синф ҳажмида маълумотлилар 3 йил, ўрта маълумотлилар эса 1 йил ўқийдилар.

СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАБ ҚАЙТГАНЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот олганлиги ҳамда эгаллаган касби бўйича разряд берилганлиги тўғрисида диплом оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар овқат, кийим-бош ва махсус кийим билан, ўрта маълумот билан кирганлар эса ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия билан (ва корхона ҳисобидан 40 сўм ҳажмида қўшимча стипендия) таъминланадилар. Бундан ташқари ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процента берилади.

Билим юртида касблар бўйича тўгараклар, ҳаваскорлик тўгараги, спорт секциялари мавжуд. Зарур бўлганларга санаторийлар ва дам олиш уйларига даволаниш учун бепул путёвкалар берилади.

Аълочи ўқувчилар учун билим юртида «В» ва «С» категорияли автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 6 ойлик курслар ҳамда мотоцикл ҳайдовчиларини тайёрлайдиган 3 ойлик курслар ташкил этилган.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига ўқишга киришда ўрта мактабларни олтин медаль билан битирганлар ва ўрта махсус ўқув юртларини имтиёзли диплом билан битирганлар учун бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан билим юртига кирганлар учун ўқиш 1 сентябрда, Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ўрта маълумотлилар учун ўқиш группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ёки паспорт, ҳарбий билет, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг сўнгги бекати).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/IV да **Тўмарис**, 12/IV да **Театр солисти Г. ТОШБОЕВАнинг ИЖОДИЙ КЕЧАСИ**, 13/IV да **Фауст**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —11/IV да **Юлдузли тунлар**, 12/IV да **Зебуннисо**, 13/IV да **Фарҳодлар**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —11/IV да **Хотиннинг эри**, 13/IV да **Тошкентликлар**.

цирк

Тошкент давлат циркида — Тошкентда биринчи марта Р. АКОПЯН иштирокида «ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК!» программаси (19.30).

кино

10, 11 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 44-21-44).

«ЯРМАСНИНГ ЎЛИМИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«ТУТСИ» — **Чайка** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Ватан** (тоқ соатларда), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНА БИР ТУНИ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Восток** (13.30, 16, 18.30, 21.00).

«СПАРТАК» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-34-02), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-44-52).

«МЕН ҚЎРҚАМАН» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 19.30; телефон 32-78-02).

«ОВСАР», «ОВСАР ИНСПЕКТОР» — **Ҳамза номли** (11, 14.30, 18.00, 21.00; телефон 91-10-51).

«ЖАНДАРМ ВА ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
1985 йилга

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ СОҲАЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

барча профилдаги озиқ-овқат ва саноат моллари бўйича юқори малакали контролер-кассир ва сотувчилар.

Бу группаларга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Шунингдек, ошпазлар тайёрлайдиган группаларга ҳам тинговчилар қабул қилинади.

Бу группаларга ўрта маълумотли 17 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш муддати—11 ой.

Контролёр-кассир ва ошпазлар тайёрлайдиган группаларда ўқиш ҳар бир группа комплектлангандан сўнг бошланади.

Контролёр-кассир ва ошпазлар тайёрлаш группаларига қабул қилинганларга ҳар ойда 54 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ БАРЧА ГРУППАЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Республика ўқув-курс комбинатининг барча группаларига ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек группаларда ўқиш бутун йил давомида, услуксиз равишда олиб борилади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Тингловчилар шаҳарнинг энг яхши савдо корхоналарида — Тошкент Бош Универмаги — ГУМда, Республика конторасига қарашли «Гастроном» магазинларида, ҳамда умумий овқатланиш илғор корхоналарида ишлаб чиқариш таълим (практика)ни ўтказадилар.

Ўқув-курс комбинатининг барча группаларига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли) турар жойидан справка, таржимаи ҳоли 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 3 ёки 6 дона фотосурат, характеристика, давлат савдо ташкилотидан йўлланма.

Республика ўқув-курс комбинатининг адреси: Тошкент шаҳри, 700173, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами касалхонаси» бекати, 4, 9-трамвайларнинг «Чопон-ота» бекати). Телефон 78-44-30.



Аниқ вақтни биласиз

АГАРДА СИЗДА ҚЎЛ ЁКИ ҲАМЁН СОАТЛАРИ МУҲАЙЁ БЎЛСА, ИСТАЛГАН ДАҚИҚАДА АНИҚ ВАҚТНИ БИЛИБ ОЛАСИЗ.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Хотин-қизлар қўл соати — «ЭЛЕКТРОНИКА-203», баҳоси — 27 сўм; «корпуси хромланган ва олтин суви югуртирилган «СЛАВА», баҳоси — 31-56 сўм; олтин суви югуртирилган билакузукли «ЧАЙКА», баҳоси — 45 дан 62 сўмгача.

Эркаклар қўл соатлари «Электроника-204», «ЭЛЕКТРОНИКА-207». Баҳоси — 24 ва 50 сўм, корпуси хромланган ва олтин суви югуртирилган «СЛАВА» соати. Баҳоси — 36 ва 56 сўм. Йиллар, кунлар, ҳафтанинг кунларини кўрсатувчи «Восход» соати. Унинг корпуси хромланган ва олтин суви югуртирилган. Баҳоси — 33 ва 40 сўм.

Эркаклар ҳамён соатлари — «ЭЛЕКТРОНИКА-202«К», баҳоси — 29 сўм.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДА БАҲОР ПОЙАФЗАЛЛАРИ

Бошлиғи замшли, боғичли, бир неча хил чарм ишлатилган, таглиги« манка» типли хотин-қизлар туфлиси;
таглиги пулиуретанли, бошлиғи чиройли тусли чармдан ишланган ёшлар туфлиси;
бир неча хил чармдан тикилган (қирмизи тусли жигарранги) таглиги полиуретанли хотин-қизлар туфлиси;
таглиги полиуретанли, бошлиғи жигарранг ва қора хромли эркаклар полуботинкаси.

БУ ОЁҚ КИЙИМЛАРИ ТОШКЕНДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН БЎЛИБ, МАГАЗИНЛАРГА СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

1— Киров кўчаси, 23-уй;
2 — Госпиталь бозори;
11— Олой бозори;
15 ва 22— Савдо растаси (Навоий кўчаси);
26— Халқлар дўстлиги проспекти, 3-уй;
28— Ш. Руставели кўчаси, 144-уй.



«ТАШОБУВЬТОРГ» (телефон 48-70-14).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

АЭРОФЛОТ — ХАЛҚҚА!

АЭРОФЛОТ

ҲАР КУНИ 9.00 да ҲАВО АЛОҚАЛАРИ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ, УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛАДИ. АЭРОФЛОТ МЕҲМОНДЎСТЛИК БИЛАН ЎЗ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Мамлакатимизнинг Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллиги нишонланадиган йилда кўплаб уруш ветеранлари, қатнашчилари фронтдош дўстлари билан учрашувларга, жанговар қураш жойларига таклиф этилмоқдалар. Бунда Аэрофлот сизнинг биринчи кўмакчингиз бўлади. У учрашув жойига тезда етиб бориш имконини беради.

Студент ва ўқувчилар, ишчи ва хизматчилар, қишлоқ меҳнаткашларининг экскурсион группалари қаҳрамон-шаҳарларни зиёрат қилишлари, жанговар шуҳрат жойларига қизиқарли саёҳатлар уюштиришлари мумкин. Авиабилет сотиб олишда Аэрофлот уларга 30 процент миқдорида имтиёз беради.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ, БУ КАТЕГОРИЯДАГИ ПАССАЖИРЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШ МУДДАТИ 15 АПРЕЛДА ТУГАЙДИ.

Сиз қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар олишингиз мумкин: ҳаво алоқалари марказий агентлигининг группалар бўйича бронлаштириш хизмати — телефон: 33-34-59, билетларни сотиб олиш бўйича —066.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти коллективи нашриётнинг собиқ ходими, 1939 йилдан КПСС аъзоси

Аҳмед УРУМБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

«Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Октябрь район эксплуатация хизмати бошлиғи Б. Шамсиевга отаси

Ғофуржон ШАМСИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

3-босмахона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари босмахонанинг собиқ ишчиси

Исмоил КАРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТВ

пайшанба

11 АПРЕЛ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. П. Девятаев билан учрашуви.
10.15 «Афсона шундай бошланган». Бадиий фильм.
11.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.15 Е. Полунин раҳбарлигидаги пантомима группаси иштирокида фильм-концерт.
12.45 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар бирмизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Ўсмирлар ижоди».
16.40 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
17.15 Арфа квартети чалади.
17.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15. С. Рахманинов. «Қоя» симфоник фантазияси.
18.35 «Қайтиш». Мультфильм.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат — жамият — инсон».
19.15 И. Сук. Торли оркестр ижроси учун ёзилган серенада.
20.00 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. Ярим финал. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Москва).

● МТ II

12.00 «Жайронлар чўлга мослашишмоқда». Илмий-оммабоп фильм.
12.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.05 Улуғ Ватан уруши даври адабиёти. 10-синф.
14.05 Ж. Свифт. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
15.05 «Яширин овоз бериб». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.30 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 Л. Бетховен. «Скрипка ва оркестр ижроси учун романс».
18.55 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
Австриядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Космонавтлар ерда туғилишади». Телефильм премьераси.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.25 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
11.30 Зоология. Ургимчаксимонлар.
12.00 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий).
12.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.10 «Остонадан ҳатлаб ўт». Ҳужжатли фильм. («Ўзбектелефильм»).
19.25 «Ўзингга буюр». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ю. А. Жуков суҳбати.
21.20 «Тагиль гулдастаси». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 Венгрия Халқ Республикаси артистларининг концерти.
23.30 Мотобол бўйича СССР кубоги. «Автомобилист» (Элиста) — «Ковров».

● УзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Кадр ортида». Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
19.00 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Жаҳонгир Иброҳимов Ўзбекистон композиторларининг асарларини ижро этади.
20.15 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ялла» вокал чолғу ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Сиёсий фильмлар Халқаро симпозиуми». Кинокўрсатув.
23.15 Янгиликлар.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

10 АПРЕЛЬ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—09178. **Индекс 64690.** **1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**